


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ЎЗБЕКИСТОН ГЕОГРАФИЯ ЖАМИЯТИ

ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ТАБИАТДАН
ФОЙДАЛАНИШ ВА МУҲОФАЗА
ҚИЛИШНИНГ ДОЛЗАРБ
МУАММОЛАРИ

*Республика шимқи-амалии
конференцияси материаллари*



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ЎЗБЕКИСТОН ГЕОГРАФИЯ ЖАМИЯТИ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ТАБИАТДАН
ФОЙДАЛАНИШ ВА МУҲОФАЗА
ҚИЛИШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

Республика илмий-амалий конференцияси

МАТЕРИАЛЛАРИ

I - ҚИСМ

(Наманган, 2014 йил 6-7 июн)

“Наманган” нашриёти
2014

латларда цианоз, томир тортишишлари, ўткир гипоксия ва беҳушлик ривожланади. Ўткир кислород етишмовчилиги оқибатида улим юзага келади. Амигдалин билан захарланишларни профилактика қилиш учун овқатланиш ва озиқ-овқат саноатида аччиқ бодомдан фойдаланмаслик, ўрик ва шафтоли данагининг мағзидан эса фақат ёғ олишда фойдаланиш тавсия этилади. Ўрик ва шафтоли мураббосини истеъмол этиш хавф тугдирмайди, илло иссиқлик ишлови берилиши жараёни ва шакар концентрациясининг юқори бўлиши туфайли амигдалиннинг захарлилиги салмоқли даражада пасаяди.

Овқат захарланишлари овқатланишда хом бук ёнғоқлари (*Fagus sylvatica*) ни истеъмол этишда ҳам кузатилиши мумкин, чунки улар таркибида токсик модда – *фагин* булади. Захарланиш симптомлари кўнгил айнаши, бош оғриги, диспептик бузилишлар бўлиши мумкин. Фагин билан захарланишнинг олдини олиш учун қандолатчилик саноатида бук ёнғоқларидан фойдаланиш, айтайлик, ичига ёнғоқ солинган пишириқлар пиширишга фақат 120 ... 130 °С ҳароратда 30 минут давомида иссиқлик ишлови берилган ҳолатдагина руҳсат берилади.

ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР: БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ВА ИСТИҚБОЛЛАР.

Усманов М.Р., Курбонов К., Зикиров Б

(Жиззах давлат педагогика институти)

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда экологик муоммоларни бартараф этиш ва уларнинг салбий оқибатларини олдини олиш борасида муайян тажриба орттирилди. Аммо соҳадаги вазифаларнинг миқёси ва кўлами мамлакатимиз ҳамда минтақада экологик ҳолатни соғломлаштириш муаммоларини комплекс ҳал этишда давлат органлари, жамоат бирлашмалари, фуқоролик жамияти институтлари ва фуқороларнинг сазй-ҳаракатларини бирлаштиришни талаб қилади.

Маълумки, сўнги йилларда жамият ҳаётини тубдан ислоҳ қилиш, кишилар тафаккури, дунёқараши, турмуш тарзида сифат жиҳатдан янгилашишига эришиш, соғлом табиий муҳитни, инсон соғлиги, экологик дунёқараши ва маданиятидаги ўрни ҳамда аҳамиятини чуқур ҳис қилишга табиий эҳтиёж юзага келади.

Албатта, табиатга онгли ва оқилона муносабатга даъват ҳамда чақириқлар собиқ шўролар даврида ҳам мавжуд эди. Аммо у фақат шиорларда, ташвиқотларда номоён бўлиб, амалда эса унинг натижаси кўринмас эди. Буннинг асосий сабаби, ҳар бир минтақадаги миллий манфаатлари ҳамда эҳтиёжларни ҳисобга олинмаганлиги, экологик жараёнлар мувозанатининг бузилиши билан боғлиқ. Масалан, орол фожиаси экологик муоммоларига маъсулиятсиз муносабатда бўлишнинг яққол мисолидир. Бир пайтлар ноёб

ва гузал денгизлардан бири бўлган Орол бир авлод ҳаёти давомида деярли қуриб ва йўқолиб бораётган сув ҳавзасига айланди. Такидлаш жоизки, фақат мустақиллик барча соҳаларда бўлгани каби атроф муҳит мусаффолигини сақлашда ҳам миллат ва халқ манфаати устиворлигини таъминлади.

XXI-аср инсониятнинг ривожланиш тарихида туб бурилиш асри бўлиши шубҳасиздир. Шу сабабдан, инсониятнинг яшаш муҳити бўлган биосферадаги ҳаёт шароитларини келажак авлодларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда сақлаб қолиш зарурдир. Атроф муҳитни ифлосланишдан сақлаш, аҳолини ичимлик суви, экологик тоза озиқ маҳсулотлари билан таъминлаш, биологик хилма-хилликни асраш, иқлим ўзгаришларини олдини олиш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш долзарб муаммолар ҳисобланади ва уларни ижобий ҳал қилиш инсониятнинг келгуси тараққиётини белгилайди.

Ҳозирги экологик муоммоларни ўрганиш, уларни тушуниб етиш ва зарур тадбирларни амалга оширишда иштирок этиш учун ҳар бир инсон коинот, қуёш, ер, нотирик ва тирик табиатнинг барча компонентларини уйғунлиги тўғрисидаги билимларга эга бўлиш лозимдир.

Сўнги йилларда табиатда бўлаётган жиддий ўзгаришларни оммавий ахборот воситаларида кўплаб ёритилиши натижасида,

ҳалқ орасида экология термини оммалашиб кетди. Ер юзасида иқлим ўзгаришлари, сув тошқинлари каби табиат ҳодисаларидан тортиб, одамларнинг касалликка чалиниши каби ҳодисалар ҳам экология термини билан боғланмоқда.

Экологик муаммолар эгаллаган майдонига кўра 3 та группага бўлинади: глобал (дунёвий), регионал (худудий) ҳамда локал (махаллий) муаммолар. Экологик муаммоларнинг катталашиб бориши занжирсимон кўринишга эга бўлиб, дастлаб локал даражадаги муаммолар вужудга келади, агарда вақтида эътибор берилмаса, регионал даражага

кўтарилиши мумкин. Регионал даражадаги муаммолар ҳам вақтида олди олинмаса глобал даражадаги муаммога айланиб кетади. Бунга биз ҳаётий мисол қилиб Оролбўйи муаммосини келтиришимиз мумкин. Оролбўйи муаммоси утган асрнинг 60-йилларида локал даражадаги муаммо бўлса, утган асрнинг охирларида регионал даражадаги муаммога айланди. Ҳозирги вақтда эса айрим мутахассисларнинг фикрича, орол муаммоси глобал даражадаги муаммога айланди. Қуйидаги жадвалда айрим экологик муаммоларни кўлами таҳлил қилинган.

Экологик хавфсизлик таҳдидлари			
Глобал	Минтақавий	Миллий	Локал
- Иқлим ўзгариши	- Оролбўйи муоммолари - Сув ресурсларидан фойдаланишнинг минтақавий муоммолари - Атроф муҳитнинг трансчегаравий ифлосланиши - Чуллашиши - Юқумли ва бошқа ўта хавфли касалликларнинг тарқалиши	- Сув ресурсларининг етишмаслиги ва булганганлиги - Аҳолининг ичимлик суви билан таъминланиши - Кучкилар ва сув тошқинлари - Ҳавонинг ифлосланганлиги - Биохилмаҳилликни сақлаб қолиш - Аҳоли саломатлиги ҳолатининг ёмонлашиши - Ҳалокатлар - Табиий ресурслардан оқилона фойдаланмаслик - Саноат ва маиший чиқиндилар	- Муаян ҳудудларнинг радиацион ифлослагиши - ер ости сувларининг ифлосланиши
- Озон омили			
- Орол денгизи муоммоси	- Табиий ва техноген тусдаги катаклизмлар		

Орол муаммосини локал даражадан – глобал даражага айланган вақтини ҳисобласак, 50 йилни ташкил этар экан. Мана шундай катта муаммонинг вужудга келиш вақтини, инсон умри билан (70 йил) қиёслайдиган бўлсак ҳам 20 йилга фарқ қилмоқда. Бу ҳолат шундан далолат бераптики, экологик муаммолар қисқа вақт давомида “ўзига хос” ривожланиш босқичини ўтаб, таъсир доирасини кенгайтириб боради.

Инсоният тарихида экологик инқирозлар кўплаб кузатилган. Уларнинг натижасида миллионлаб гектар ерлар чўлга айланган, минглаб ўсимлик ва ҳайвон турлари қирилиб кетган, урмонларнинг майдони қисқарган,

гуллаб яшнаган цивилизациялар инқирозга юз тутган. Атроф муҳитдаги катта кўламидаги салбий экологик ўзгаришлар XVII-асрдан бошланган ва XX- асрнинг бошларига келиб ер юзидаги экологик системаларнинг 20 % бузилган. XX-асрнинг иккинчи ярмига келиб қисман ва тўла бузилган экосистемалар ҳиссаси 63 % дан ошди.

Барқарор ривожланиш деганда ҳозирги авлодлар эҳтиёжларини қондиришга зарар етказмасдан амалга ошириладиган ривожланиш тушунилади. 1992 йилнинг 3-14 июнь кунлари Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида БМТнинг атроф муҳит ва ривожланиш бўйича

конференцияси бўлиб ўтди. Унда 179 давлатларнинг раҳбарлари, ҳукумат вакиллари, экспертлар, подавлат ташкилотлари, илмий ва ишбилармон доиралар вакиллари қатнашдилар. Бу вақтга келиб жаҳонда оламшумул воқеалар руй берди. 1991-йил Шарқий Европа ва СССРдаги тоталитар система инқирозга учради. Жаҳон уруши хавфи кескин камайди ва жуда катта молиявий ресурслардан тинчлик мақсадларида фойдаланиш имконияти вужудга келди

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, экологик муаммоларнинг табиатга, жамиятга, ўз навбатида иқтисодиётга кўрсатаётган зарарларини ҳисобга олиб, кенг омма орасида

экологик саводхонликни ошириб бориш лозимдир. Атроф муҳитни муҳофазаси ҳозирги замоннинг кенг миқёсдаги кескин ижтимоий муаммоларидан бири бўлиб, уни ҳал этиш барча халқларнинг манфаатларига мос бўлиб, цивилизациянинг ҳозирги қуни ва келажаги кўп жиҳатдан ана шу муаммонинг ечимини топишга боғлиқ.

XXI аср-табиатни муҳофаза қилиш асри бўлиши шубҳасиз. Ҳар бир инсон она сайёрамиз табиатига зиён етказмасдан ўзгартириши, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиши ва яшаш муҳитини сақлашдек муқаддас ишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. - Т.: Ўзбекистон, 1998

Турсунов Х.Т., Т.У.Раҳимова "Экология" Т. 2006

Каримов И.А. БМТ Саммити минг йиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисдаги нутқи // Халқ сўзи, 2010 йил 22 сентябр. Б.1-2.

Очилова Б.М. Экология ва дунёқараш "Тафаккур" н. Т. 2013

ЭПОТОПОНИМЛАР ГЕОГРАФИЯСИ ҲАҚИДА

Ҳакимов Қ.М., Бурхонов Э.

(Жиззах давлат педагогика институти)

Жўраева Н.И.

(Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети)

Маълумки, ҳар қандай тилнинг сўз захираси бир қанча манбалар ҳисобига бойиб боради. Ана шундай манбалар қаторига географик объектларнинг номларини ҳам киритиш мумкин. Ҳ.Ҳасанов таъбири билан айтганда, агар, «улар билан тил, топиб муомала қилинса», қанчадан-қанча қадимий сўзларни тиклаш мумкин. Турдош отларни географик номга айланиши - топонимиканинг умумий қонунияти саналади. Шу билан бирга баъзан топонимларини аксинча, турдош отга айланиш ҳодисаси ҳам учрайди. Таниқли рус топонимисти Э.М.Мурзаев бу жараёни географик номларнинг «иккинчи ҳаёти» деб атаган. Шуни ҳам қайд қилиш керакки, топонимлар турдош отга айланиб, маълум маънода ўзининг топонимик асосидан узоқлашади.

Топонимлар асосида яралган янги сўзлар Э.М.Мурзаев, Ҳ.Ҳасанов, С.Қораев, Т.Нафасов каби олимлар томонидан илмий жиҳатдан тадқиқ қилинган. Турдош отларга айланган сўзларга асос бўлиб хизмат қилган географик

номлар эпотопонимлар (юнонча, ἐπώνυμος - «ном берувчи») деб аталади. Эпотопонимлар барча тилларда бор, шу жумладан ўзбек тилида ҳам бу ҳодиса кенг тарқалган. Кўпинча улар бир тилдан иккинчи тилга кўчиб, интернационаллашиб кетган. Масалан, Ҳ.Ҳасановнинг ёзишича, болонья, жерси, бостон, крепдешин, паплиндан тикилган кийимларни кийган киши «география»ни кийганлигини хаёлига ҳам келтирмайди. Ҳолбуки, Балонья ва Паплин - Италиядаги шаҳарлар, Жерси - Франция шимолидаги орол, Бостон - АҚШ даги шаҳар, крепдешин - «Хитой матоси» (креп - «мато», шин - Чин, Хитой) ни англатади.

Топонимлардан ном олган ичимлик, буюмлар, усимлик, ҳайвонлар, мусиқа, рақс шу қадар кўпки, баъзан ҳатто уларнинг этимологияси тўғрисида уйлаб ҳам ўтирмаймиз. Қўқон арава, Чуст пичоғи, Бахмал олмаси каби сўзларда ўша жой номлари эса келади. Академия - (Афина яқинидаги чангалзор), вулкан - (Тиррен денгизидаги Вулкано ороли номидан), кофе - (Африкадаги

Юнусов Ғ.Х., Ҳайдарова Д.Х., Эшонкулова М.Э. Зарафшон дарёси сув ресурсларининг вилоятлар кесимида тақсимланиши ҳақида	162
Ҳайдарова О.А., Бобомуродов Х.Т. Қарши магистрал канали оқимининг йиллараро ва йил давомида узгариши.....	164
To'xtaboyeva Yu., Dexqonov D. Beda zararkunandalari va qayta kurashish choralari	165
Maksimov B.X., Raxmatova M.J., Abdullayev Sh.V., Xidirova N.K., Muminova M. <i>Indigofera tinctoria</i> o'simligi izoprenoidlari	167
Jamoldinov I.I., Rahmatov M.J., Abdullaev Sh.V., Xido'rova N.K., Shaxidoyatov X.M. <i>Hellanthus tuberosus</i> o'simligi poliprenollar to'planish dinamikasi.....	168
Mo'minov D.G', Xudoyberganova U., Mahmudova M. Farg'ona viloyatida yer resurslaridan foydalanishning landshaft-ekologik jihatlari	170
Obidov M. Qora Kalxat (<i>milvus migrans</i>) ning Farg'ona vodiysida hayot sikli haqida	171
Журакулов Х., Қобилова К. Омонқўтон-табиатнинг ноёб гушасидир	172
Mamurova M. M, Asqarov I.R. Anjirning kimyoviy tarkibi va unga ekologik muhitning ta'siri	174
Бобохонова М.Н., Қадирова С.Н. Шохимардонсой ҳавзасидаги "Янгиқўл" нинг гидроморфометрик курсаткичлари ҳақида.....	174
Нурматов М.Ш., Собирхонов А.Т. Ўзбекистон табиатинининг бетакрор географик-туристик объектлари (Фарғона минтақаси мисолида).....	176
Назаров А.А, Камолов Б.Х. Чуст тумани табиатининг экотуристтик имкониятлари	181
Qayumova Y., Ahmedova G., Sheraliyeva M. Anor qurti lichinkasining o'sishiga oid morfometrik hisoblashlar	183
Федорко В.Н. Природно-хозяйственное районирование Ферганской долины (в пределах Узбекистана)	184
Абдурахманов С, Солиев Э, Исоқов Д. Суғоришсиз хосил олиш тажрибаси натижалари	189
Зияев Р.Р. Зарафшон дарёси тўлинсув даври оқимининг шалланиши ҳақида	200
Умрзоқова У., Султанов Ғ. Озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлиги	202
Хақимов Қ.М., Бурхонов Э., Жураева Н.И.Эпотопонимлар географияси ҳақида	202
Усманов М.Р., Қурбонов К., Зиқиров Б. Экологик муаммолар; Барқарор ривожланиш ва истиқболлар.....	194
Хақимов Қ.М., Бурхонов Э., Жураева Н.И.Эпотопонимлар географияси ҳақида	196

Теришга 10.05.2014 йилда берилди. Босишга 25.05.2014 йилда рухсат этилди. Оқ қоғозга офсет усулда чоп этилди. Бичими 60x84 1/8. Шриффт гарнитураси Palatino Linotype. Ҳажми 24.75 босма табоқ. Адади 50 нусха. Буюртма № 28. Баҳоси келишилган нарҳда.

2009 йил 14 августда берилган.
 “Star print poligraf” МЧЖ (Наманган шаҳар, Марғилон кўчаси, 5уй)да
 босилди